Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 199 (20. 466) • 1989 йил 30 август, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ПАРРАНДАБОҚАРЛАР ҒАЛАБАСИ

Сирдарё районидаги Ленин номли, Ильич номли ва «Коммунизм» колхозлари паррандабоқарлари давлатга тухум сотиш бўйича тўққиз ойлик планларини бажардилар.

Ленин номли колхозда 45,7 минг дона, Ильич номли колхозда 28,1 минг дона ва «Коммунизм» колхозида 25,6 минг дона тухум тайёрланди. Аммо, райондаги «Сирдарё» ва «Шоликор» совхозлари давлатга тухум сотишда қолоқликка йўл қўймоқдалар.

А. БУРЛИЕВ.

МУШТАРАК БУРЧИМИЗ

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЯГОНА ОИЛАСИНИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ САФЛАРИНИНГ БИРЛИГИНИ АСРАБ ҚОЛАЙЛИК!

(КПСС Марказий Комитети баёнотидан)

КУЧ—БИРЛИКДА

Шу йилнинг 22 августида Вильнюсда эълон қилинган Литва ССР Олий Советининг Германия-Совет шартномалари ва уларнинг оқибатларини ўрганиш комиссиясининг хулосаси кишини ҳайратлантиради. Негаки, унда бу шартномалар ғайриқонуний ва бинобарин ҳақиқий эмас, деб эълон қилинди ва айни пайтда Литванинг СССР составига қўшилиши ҳақида Литва халқ сеймининг 1940 йил 21 июлда қабул қилинган декларацияси ҳамда Литва Совет Социалистик Республикасини СССР составига қабул қилиш ҳақида 1940 йил 3 августда қабул қилинган СССР Қонуни ғайриқонуний, юридик кучга эга эмас, деб айтилди.

Бу ўз навбатида Болтиқбўйи республикаларини мамлакатнинг қолган қисмидан ажратиб қўяди, бошқа халқлар билан таркиб топган анъанавий дўстлик алоқаларини узиб ташлайди. Ажралиб чиқишга қаратилган бундай ҳаракатлар ўз халқларининг манфаатларини, уларнинг чинакам миллий ватанпарварлиги ўзлигини англашини акс эттирмайди. Акс ҳолда миллатчилик касали юқмаган оддий кишилар — литваликлар, эстонлар, латишлар юз бераётган нохуш воқеалардан ачиниб, Марказий Комитетга ҳат ва ахборотлар, аризалар йўлламас эдилар.

«СССРдан ажраб чиқилгач» литваликлар, латишлар, эстонларнинг ҳаёти «жаннатмисол турмуш»га айланиб қолишига ким ишонади?! Ахир ҳар бир республика бошқа қардош республикалар билан, бутун мамлакат билан ижтимоий, маданий, илмий-техникавий жиҳатдан чамбарчас боғланган экан, уни ўзиб юбориш не оқибатларга олиб келиши маълум-ку!

Халқимизда «Айрилганни бўри ер», деган нақл бор. Қайта қуриш жараёни мамлакатдаги, жумладан, Болтиқбўйи республикаларидаги ўзгаришларни, халқ турмуш фаровонлигини юксалтиришни фақат ва фақат биргалашиб ҳал этишни тақозо этади. Совет халқларининг байналмилал бирлиги сақлаб қолиниши керак.

Қ. ОДИЛОВ,
Уруш ва меҳнат ветерани.

ДЎСТЛИК БАРҚАРОР БЎЛСИН

КПСС Марказий Комитетининг Совет Болтиқбўйи республикаларидаги аҳвол ҳақидаги баёнотини ўқиб, изтиробга тушдим. Ахир, ярим аср мобайнида қувончу ташвишларимизга шерик бўлиб яшаб келгандик. Мақсадимиз ҳам бир эди. Хўш, уларда бундай аҳволни кимлар юзага келтиряпти? Бунга оддий халқ, ишчи-деҳқонлар қандай қараяпти? Мен совет Эстонияси, Литва, Латвияни Иттифоқимизнинг ажралмас бир бўлаги, деб биламан.

Вақтинчалик қийинчиликларни бартараф этишимиз, Иттифоқимиздаги барча халқлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш йўлидан боришимиз керак. Касалнинг вақтида олдини олган яхши. Ярим аср ягона осмон остида меҳнат қилиб, бир оила бўлиб яшаб, бугунги кунда шу оилани барбод этиш — бу номардлик. Яхшиси, мамлакатимизда қайта қуришни қўллаб-қувватлайлик, уни кенг, разон йўлга олиб чиқайлик. Барча халқлар билан дўстликни мустаҳкамлаш чораларини кўрайлик.

Р. ЗИЛЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

СССР—УМУМИЙ ХОНАДОНИМИЗ

Самарқанддаги 8-Март номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп кишилик митинг бўлди. Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Совет Болтиқбўйи республикаларидаги аҳвол муносабати билан баёнотини муҳокама қилдилар.

— Биз Совет Иттифоқи миллий хонадонларга бўлиниб кетишини хоҳламаймиз, — деди катта мастер К. Ҳамроева. — Давлатимизни кучли ва қудратли, тенг ҳуқуқли иттифоқдош республикалар сифатида кўришни хоҳлаймиз. Бўлиниб кетишга эмас, балки жипслашишга даъват этмоқ зарур.

Сўзга чиққан кишилар КПСС Марказий Комитетининг баёноти ўз вақтида бўлганлигини ва барча совет кишиларига Болтиқбўйи республикаларида ҳамда мамлакатда рўй бераётган воқеаларга нисбатан ўз муносабатини аниқлаб олишга имкон беради, деб таъкидладилар.

Митинг қатнашчилари Литва, Латвия ва Эстония Компартиялари Марказий Комитетларига мактуб йўллаш ҳақида қарор қабул қилдилар. Улар мазкур республикаларда юзага келган аҳвол муносабати билан ташвишга тушаётганликларини билдирадилар, меҳнаткашлар учун оқибати жуда ёмон бўладиган ўйланмаган қадамни ташламасликка чақирадилар.

Самарқанд областининг бошқа корхоналарида ҳам шундай митинглар бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

МАШИНА ТЕРИМИНИ КЎЗЛАБ

Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхози пахтакорлари меҳнатни ташкил этишнинг самарали усули ҳисобланган коллектив, ижара пудрати имкониятларидан унумли фойдаланиб, юқори натижаларга эришмоқдалар.

Масалан, ўтган йили Мамбетсобур Қаландаров, Комил Отамуродов, Рейимбой Отажонов, Ербу Серкаев ўртоқлар каби мириқшкор деҳқонлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳар гектар ердан 34—36 центнердан юқори сорт пахта териб топширилди.

Бу йил хўжалик заршунослари давлатга 5300 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб беришни кўзлашмоқда. Шу ҳосилнинг 70 процентдан зиёдроғи машиналар ёрдамида териб олинади. Шу мақсадда ғўза парвариши даврида ўсимликни машинабоп қилиб ўстиришга катта эътибор берилди. Натижада бир текис ривожланган ғўзаларда план ва социалистик мажбуриятларни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиляпти.

Пахтакорлар парваришни кучайтириш билан бир қаторда йиғим-терим мавсумига ҳам қизғин ҳозирлик кўришаётир. Мавжуд терим техникаси созланиб старт чизиқларига келтириб қўйилди. Айни кунларда улар сифат комиссияси томонидан синчиклаб текширилиб қабул қилиб олинмоқда.

Р. ИСАЕВ.

ҒАЛЛАДАН МЎЛ ҲОСИЛ

Паркент районидаги «Коммуна» совхози ғаллакорлари бу йил 525 гектар ерга ғалла сепиб, юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилдилар. Шу туфайли пайкалларда мўл ҳосил етилди. Миришкорлар ўримйиғимга пухта ҳозирлик билан киришиб, мавсумни муваффақиятли якунлашга эришдилар.

Ҳар гектардан пландаги 15,5 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил кўтариб, район хўжаликлари ичида ғолибликни қўлга киритишди. Давлатга 400 тонна ғалла сотилди. Комбайнчилардан Сайфутдин Ҳолхўжаев, Мақсуд Эштоев, Далабой Рўзиметов, Маъмур Маҳкамов, ишчилардан Кенжа Нодиршайхов, Тошмат Ибаев ўртоқлар муваффақиятга катта ҳисса қўшдилар. Ҳозир миришкорлар ғалла ўриб олинган майдонларни шудгорлаб, келаси йил мўл ҳосилига пухта замин яратмоқдалар.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
А. ТОЖИЕВ.

• *Чорвачилик—зардбор фронт*

ИЛҒОР УСУЛ САМАРАСИ

Куни кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1988—89 йил қиш даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун ўтказилган республика социалистик мусобақасининг якунларини кўриб чиқдилар. Бунда чорва қишловини муваффақиятли ўтказган областлар, районлар ва коллективлар ғолиб деб топилди. Булар орасида Наманган области ҳам бор.

Кейинги йилларда наманганлик чорвадорлар бу борада сезиларли ютуқларга эришишди. Бу ерда меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг пудрат, хўжалик ҳисоби усулларини, интенсив технологияларни кенг қўллаб, меҳнат унумдорлигини анча оширишга, чорва ва паррандани маҳсулдорлигини орттиришга, пировардида эл дастурхонига маҳсулот етказиб беришни кўпайтиришга эришилди.

Халқимизда сигирнинг сути —тилида, деган нақл бор. Дарҳақиқат қишловга пухта ҳозирлик кўриб, етарли миқдорда сифатли озуқа жамғарган коллективлар эришаётган ютуқлар салмоқли. Янгиқўрғон районидаги Карл Маркс номли совхознинг сут-товар фермасида ана шундай тадбиркорлик туфайли муваффақиятлар кўпайиб бораётир. Бу ерда пудрат усули кенг жорий этилди. Фермани бор-йўғи олтита оила ижарага олди. Бунинг натижасида фермада ишлаётганлар сони тенг ярмига қисқарди. Айни пайтда чорвадорлар 521 бош қорамолни меҳр билан парваришламоқдалар. Шулардан 270 таси сигирлар.

Фермадагилар айни кунларда сигирлар маҳсулдорлигини тобора оширмоқдалар. Бунинг натижасида уларнинг даромади ҳам ортиб бораётир. Шу йилнинг биринчи ярмида давлатга 363 тонна серқаймоқ сут сотилди. Бу ўтган йилгидан 13 тонна зиёддир. Гўшт етиштириш ҳам тобора кўпаймоқда. Ҳозиргача эл дастурхонига 54 тонна гўшт етказиб берилди. Бугунгача сигирлардан 192 та бузоқ олинди. Бузоқлар сифатли парваришланаётганлиги туфайли улар кунига пландаги 350 грамм ўрнига 420 граммга семирмоқда.





Сигир соғувчилар ўзаро мусобақалашиб ишлаб, яхши натижаларга эришаётирлар. Ўтган ярим йил ичида ҳар бир сигирдан 1686 килограммдан сут соғиб олинди. Йиллик план эса 2410 килограмм. Ҳозир бу режа албатта оширилиб бажарилиши сезилиб қолди.

Молни тўқнинг — кўнгли тўқ, дейди халқимиз. Ҳақ гап. Мўл-кўл, тўйимли озуқа жамғарилиб, унинг сифатини бузмай асраган чорвадорнинг доимо ошғи олчи. Бунга совхоз чорвадорларининг фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Хўжаликда қиш фаслига етарли миқдорда турли-туман озуқа жамғарилиб, моллар рационининг ҳам шкрали, ҳам тўйимли бўлиши таъминланаётгани туфайли муваффақиятлар кўпайиб бормоқда. Зеро, пудратнинг қудрати ҳам шунда.

Чунки йил бўйи астойдил меҳнат қилиб, чорва моллар маҳсулдорлигини оширган миришкорлар албатта пировард натижадан баҳраманд бўлишади. Уларга тўланадиган ҳақ ҳам шунга яраша бўлади. Моддий манфаатдорликни ҳис қилган чорвадор албатта қиш гамини ҳам ёзда ейди. Айни кунларда хўжаликда қишлов учун мўл озуқа базаси яратиш йўлида фидокорона меҳнат қилияпти. Мўл миқдорда силос бостирилиб, дағал хашак жамғариляпти.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

Суратларда: 1. Ферма мудири Нақибжон Дўланов. 2. Моҳир бузоқбоқар Раҳмон Мамадалиев. 3. Илғор молбоқар Авез Акбаров турмуш ўртоғи, сут соғувчи Муборак билан фермага отланди. 4. Сут топшириш пайти.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.





Муаммо ечимини кутади

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Ҳозир далаларда айни пишиқчилик. Қашқадарё колхоз ва совхозларида ҳам ширин-шакар мева, полиз, сабзавот ва кўплаб бошқа маҳсулотлар пишиб етилмоқда. Уларнинг бир қисми шартномаларга биноан Сибирь, Узоқ Шарқ ва мамлакатимизнинг бошқа районларига жўнатилаётир. Областнинг кўпчилик богдорчилик совхозлари ва тайёрлов идоралари бу масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариш учун қардошларимиз дастурхонига турли-туман ноз-неъматлар етказиб бермоқдалар.

Аммо Иттифоқ фондига жўнатилаётган маҳсулотларнинг ҳаммаси ҳам харидоргир эмас. Кўпчилик истеъмолчилар областнинг баъзи колхоз ва совхозлари тайёрлов идораларидан олаётган маҳсулотларнинг сифатсиз эканлиги, шунингдек катта миқдорда камомади борлиги, бунинг устига манзилга етмай ириб-чириб кетаётганлигидан ранжимоқдалар. Оқибатда область давлат арбитражига савдо ташкилотлари ҳақли эътирозлар билдирмоқдалар. Бундай даъволар Китоб районидаги Охунбобоев номли, «Китоб» ва «Паландара», Яккабоғ районидаги «Яккабоғ», «Коммунист» ва Ленин номли, Шаҳрисабз районидаги Киров номли совхозлар ҳамда Нишон, Муборак, Ғузор ва У. Юсупов районларининг тайёрлов идоралари адресига билдирилмоқда. Чунки айнан ана шу хўжаликлар ва ташкилотлар томонидан ўтган йили жойларга жўнатилган узум, олма, беҳи, пиёз ва тарвузнинг сифати ниҳоятда пастлиги, сортларга ажратилмасдан хом-хатала юборганлиги туфайли йўлда ва сотиш давомида бир қисми нобуд бўлиб кетганлиги аниқланди.

— Ўртадаги шартномага мувофиқ, — деб ёзади Қашқадарё область давлат арбитражи номига юборган даъво хатида Ульянов область озиқ-овқат савдоси идорасининг директори ўртоқ В. Ф. Резванова, — ўтган йилнинг август—сентябрь ойларида Муборак район тайёрлов идораси бизга 20 вагонга яқин тарвуз жўнатганди. Хужжатларга мувофиқ, ҳар бир вагонда ўртача 20—22 тоннадан сифатли тарвуз бўлиши керак эди. Махсус комиссия иштирокида ва лаборатория анализларига мувофиқ текширилганда ҳар бир вагонда ўрта ҳисобда 4,5—5 тоннадан маҳсулот камлиги, яна шунча миқдордаги маҳсулот ириб-чириб кетганлиги аниқланди. Шундай қилиб, юборилган маҳсулотнинг деярли 40 проценти харидорлар дастурхонига етиб бормади. Бундай хўжасизлик ва масъулиятсизлик халқимизни ранжитмоқда.

Тайёрлов идоралари шаънига маҳсулот сифати ва миқдоридан норози бўлиб битилган шикоятлар кўп. Давлат арбитражининг қарори билан тегишли тайёрлов идораларидан белгиланган жойларгача етказиб берилмаган маҳсулотларнинг 150 минг сўмга яқин қиймати харидор ташкилотларга қайтариб олиб берилди ва бунинг учун улардан 20 минг сўм миқдорида жарима ундирилди. Ана шу сабабларга кўра область агросаноат комитети юқорида номлари тилга олинган хўжаликлардан 270 минг сўм маблағ ундириб, харидор ташкилотлар ҳисобига ўтказди ва уларга 50 минг сўмга яқин жарима солди.

«Бирники мингга, мингники туманга», деганлари шу бўлса керак. Сифатсиз маҳсулотдан кўпгина хўжаликлар катта молиявий зарар кўрмоқдалар. Масалан, Китоб районидаги Охунбобоев номли совхоз ўтган йили август ойининг охирларида Кемерово областидаги «Междуреченскуголь» ишчилар таъминотига тўрт вагон узум юборган эди. Жўнатувчининг ҳужжатларига қараганда, ушбу вагонларда 97911 килограмм «Ўзбекистон мускати» навли биринчи сорт узум борлиги қайд қилинган. Бу маҳсулот учун совхоз 80 минг 400 сўм 25 тийин олиши лозим эди. Ишчилар таъминоти бўлими узумни қабул қилиб олишда 52893 килограмми ириб кетган дея, хўжаликка фақат 30 минг 44 сўм 67 тийин тўлади, холос. Охунбобоев номли совхоз жўнатган ана шу 4 вагон узумдан фойда ўрнига 49 минг 900 сўм зарар кўрди.

Т. ШОВРУҚОВ, «Плодоовощпром» область бирлашмаси бош директори ўринбосари:

— Маҳсулотни бошқа шаҳарларга жўнатишдан олдин, албатта, уларнинг сорти ва навига эътибор бериш керак. Транспортда узоқ юришга чидамайдиган навларни ва пишиб ўтиб кетган маҳсулот турларини жўнатмаслик лозим. Биз ўзимизга тегишли хўжаликларга шундай кўрсатма беряпмиз.

А. СОБИРОВ, — У Юсупов район тайёрлов идорасининг директори:

— Темир йўл станцияси томонидан бизга ажратилаётган вагонлар маҳсулотимизни узоққа олиб боришга мутлақо яроқсиз. Сабзавот ва полиз маҳсулотларини жойларга кўнгилдагидек етказиб беришни таъминлаш учун алоҳида мослаштирилган вагонлар зарур. Бизга ажратилаётган вагонларда эса маҳсулотимизнинг 15—20 проценти нобуд бўляпти. Чунки кўп вагонларнинг совутиш қурилмалари ишламайди.

Ш. ОЙНАЗАРОВ, — Қарши районидаги «Аврора» совхозининг директори:

— Маҳсулотнинг сифати идишга ҳам боғлиқ. Ҳар бир маҳсулотнинг турига мос идишлар бўлиши керак. Биз олаётган идишлар сифатсизлиги ва ноқулайлиги учун маҳсулотларимиз узоқ шаҳарларга эмас, айрим ҳолларда яқин буюртмачиларга ҳам тўлиқ етиб бормай нобуд бўляпти.

Ҳ. ТОШТЕМИРОВ, —область давлат арбитражининг арбитри:

— Маҳсулотни жўнатиш, ташиш, сақлаш ва қабул қилишга оид қонун, қўлланма ва бошқа ҳуқуқий актларни ўзгартириш керак. Бу соҳада ўтган йилги йўл қўйилган хатолар сабоқ бўлмоғи керак. Энг муҳими, ҳамкорликдаги ташкилотлар харидор дўстларимиз мамнун бўлсин дейишса, ишга муносабатни тубдан ўзгартирмоқлари зарур.

М. ТУРСУНОВ,
Қашқадарё область бош давлат арбитри.
М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Хўжаликни оқилона юритайлик*

Йўлсозлар муҳтожлиги

Сел оқибатлари олдини олиш учун нималар қилинмоқда? Йўлнинг хавфли жойлари ёқаларига катта тошлар, сандиқ шаклидаги конструкциялар ўрнатилмоқда. Темир-бетон конструкцияларни ўрнатиш жуда оғир меҳнат талаб қилади. Устига-устак арматура етишмаяпти. Ваҳолонки, бу йил «Ўздортранскомплект»га арматура темирлари мутлақо ажратилмади. Йўллардан фойдаланиш бошқармаси ишчиларида юк ва йўловчи ташишда транспорт ҳаракати учун кўнгилдагидек шароит яратиш иштиёқи катта. Тўғриси, сўнгги ўн беш йил мобайнида йўллар билан ҳеч ким шуғулланмади. Тошкент-Термиз йўлининг Дербент довонидаги 5 километр участкагина таъмирланди. Кўп жойларда йўл сой сатҳи баландлигида ўтади. Бундай дақиқалардаги қийинчиликларга ҳайрон бўлишга ўрин йўқ. Ёғоч кўприк ва бир йўлли кўприкларни айтмайсизми? Замонавий кўприклар, тўсиқлар билан ҳимоя қилинган иншоотлар қуриш ҳақида амалда ўйлаб ҳам кўрилгани йўқ.

Лекин хайрли ишга қўл урилди. Комплекс программа устида бош қотирилмоқда. Программага кўра, ўтган йили 17 километр капитал ва 80 километр йўл ўртача ремонтдан чиқарилди. Беш йиллик охиригача эса Бутуниттифоқ аҳамиятидаги йўллар ремонти тезлаштириб юборилади. Ҳозир «Ўзремдорпроект» лойиҳа-қидирув институти, автомобиль йўллари кооперативлари шартномаси асосида лойиҳа ҳужжатлари тайёрламоқда.

Бошқарма «Узбекзолото» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида тузилган «Қизилқум» артели билан шартнома тузди. Шартномага кўра 2,8 миллион сўмлик иш бажарилади. Артёлчилар ихтиёрида кучли техника бўлиб улар Шўроб довонида 250 минг куб метр тог жинсларини қазиш ишларини олиб боришяпти. Яқин вақтда «Икарус» ва бошқа автомобиллар қатнови учун қулай шароит яратилади. Йўллардан фойдаланиш бошқармаси прораби Н. Раҳмонов раҳбарлик қилаётган коллектив йўл қурилишини бошқа томондан бошлаб юборди. Машинист Н. Мўминов, бульдозерчи Х. Кенжаев, автогрейдерчи И. Ҳамроқулов ва бошқалар меҳнатда намуна кўрсатмоқдалар.

Бош инженер С. Равшановнинг таъкидлашича, Тошкент-Термиз йўлининг М-39 участкасида бу йил 7 километр ўрнига 10 километр йўл қуриб топширишга азму қарор қилинди. Аммо моддий-техника таъминоти талабга жавоб бермайди. Цемент, битум, йиғма темирбетонлар 12-34 процент миқдорида ажратилган, холос. Дизель ёнилғиси, бензин ва аккумулятор билан таъминланиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Йўлсозлар оғир вазнятдан чиқиш имкониятларини қидирмоқдалар. Қўшни Ҳамза совхозидан 1000 куб метр маҳаллий тош блокларни сотиб олинди. Йўлсозлар ўзлари учун тош қирқиш комбайни ҳам харид қилмоқчилар.

Таъминотнинг мазаси йўқлигидан йўлсозлар эҳтиёт қисмлар, ўта зарур материалларни корхоналардан чакана нархига нисбатан 20 процент юқори баҳода харид қилмоқдалар. Бу эса ортиқча сарф-харажатларга сабаб бўлмоқда. Бунақа аҳвол қачонгача давом этиши номаълум. Бироқ шу нарса маълумки, Бойсун йўлини реконструкция қилиш ва қисқа муддатда автомобилларга хизмат кўрсатувчи объектлар қуриш, мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш зарур. Манфаатдор район ва областлар, тегишли министрликларнинг амалий ёрдами керак.

А. ГОНЧАРОВ,
Сурхондарё области.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ҲАҚИДА

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловининг асослари

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови бир мандатли сайлов округлари бўйича умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш ва сайловчиларнинг ўз истакларини эркин билдиришлари йўли билан ўтказилади.

2-модда. Умумий сайлов ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини сайлаш умумийдир: Ўзбекистон ССРнинг 18 ёшга тўлган граждани сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон ССРнинг 21 ёшга тўлган граждани Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати бўлиб сайланиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон ССР гражданларининг сайлов ҳуқуқларини уларнинг келиб чиқиши, социал ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, муайян жойда яшаб турган вақти, машғулотининг тури ва характерига қараб, бирон-бир даражада бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган руҳий касал гражданлар, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, шунингдек суд қарори билан мажбурий даволаш жойларига юборилган шахслар сайловда қатнашмайдилар.

3-модда. Тенг сайлов ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини сайлаш тенгдир: сайловчи бир овозга эгадир; сайловчилар ҳамда депутатликка номзодлар сайловда тенг асосларда иштирок этадилар.

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳарбий хизматчилар барча гражданлар билан баробар ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

4-модда. Тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини тўғридан-тўғри сайланади: халқ депутатлари гражданлар томонидан бевосита сайланади.

5-модда. Яширин овоз бериш

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловида овоз бериш яширидир: овоз берувчиларнинг ўз истакларини билдиришини назорат қилишга йўл қўйилмаиди.

6-модда. Бошқа иттифоқдош республикалар гражданларининг сайлов ҳуқуқи

Бошқа иттифоқдош республикаларнинг гражданлари Ўзбекистон ССР территориясида Ўзбекистон ССР гражданлари билан тенг сайлов ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

7-модда. Сайлов комиссияларининг сайловни ўтказиши

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказишни меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг, ўқувчилар, студентлари билан биргаликдаги сайловчиларнинг истиқомат жойидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмларидаги йиғилишлари эгадирлар.

11-модда. Сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига наказлари

Сайловчилар ўз депутатларига наказлар берадилар.

Наказларни бериш, умумлаштириш, қараб чиқиш ва бажаришни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон ССР қонуни билан белгиланади.

12-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати статусининг мансаб мавқеи билан номувофиқлиги

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раисидан ташқари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига кирадиган шахслар, Ўзбекистон ССР Министрларининг ва давлат комитетлари раисларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР идораларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси, раис ўринбосари ва аъзолари, область ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, раисларининг ўринбосарлари, судларнинг аъзолари, Ўзбекистон ССРнинг бош давлат арбитри ва давлат арбитрлари, Ўзбекистон ССР конституцион назорат комитетининг раиси, раис ўринбосари ва аъзолари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари бўла олмайдилар.

13-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови билан боғлиқ бўлган харажат, сайловни моддий жиҳатдан таъминлаш

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар давлат ҳисобидан амалга оширилади. Сайлов кампаниясини бошқа манбалардан маблағ билан таъминлаш тақиқланади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, давлат ва жамоат органлари сайлов комиссияларини ихтиёрига сайловни тайёрлаш ва ўтказиш учун зарур бўлган бинолар ва жиҳозларни берадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар ва сайловчилар сайловни тайёрлаш ва ўтказиш учун харажат қилмайдилар.

14-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Зўрлик ишлатиш, алдаш, дўқ қилиш ёки бошқача йўл билан Ўзбекистон ССР гражданининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатини сайлаш ва депутати бўлиб сайланиш, сайловолди агитациясини олиб бориш ҳуқуқини эркин амалга оширишига тўсқинлик қилувчи шахслар, шунингдек сайлов ҳужжатларини соҳталаштирган, овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаган, яширин овоз беришни бузган ёки ушбу қонунни бошқача тарзда бузган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгилаб қўйилган тарзда жавобгар бўладилар. Депутатликка номзоднинг шанини ва қадр-қимматини ерга урадиган ёлғон маълумотларни матбуотда эълон қилган ёки бошқача усул билан тарқатган, сайлов комиссияларининг аъзоларига нисбатан ҳақоратли муносабатда бўлган шахслар ҳам жавобгарликка тортилади.

II. Сайловни тайинлаш ва сайлов округларини тузиш тартиби

15-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини тайинлаш

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколат муддати тугашидан камида тўрт ой олдин тайинлайди.

Сайлов куни тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

16-модда. Сайлов округларини тузиш

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини сайлаш учун 500 та сайлов округи тузилади.

Сайлов округларини Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон АССР Олий Совети, халқ депутатлари область ва Тошкент шаҳар Советлари ёки улар президиумларининг тавсиясига мувофиқ ташкил этади. Сайлов округларининг чегараларини белгилаш чоғида автоном республика, областлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-территориал бўлиниши ҳисобга олинади.

Сайлов округлари одатда республиканинг барча территориясида сайловчиларнинг сони тенг қилиб ташкил этилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормасини Ўзбекистон ССР Олий Совети белгилайди.

Ҳар бир сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига битта депутат сайланади.

Сайлов округларининг рўйхатлари уларнинг чегараси, сайловчиларнинг сони ҳамда округ сайлов комиссиялари ўрнашган жой кўрсатилган ҳолда марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов тайинланганидан кейин кўпи билан ўн кун ўтгач эълон қилинади.

III. Сайлов участкалари

17-модда. Сайлов участкаларини тузиш

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини сайлашга овоз беришни ўтказиш ва овозларни ҳисоблаш учун сайлов округларига кирадиган районлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги районлар территорияси сайлов участкаларига бўлинади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар ўрнашган жойдаги округларига киради.

Санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган районлардаги гражданлар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин, улар ўзлари турган жойдаги сайлов округларига киради.

18-модда. Сайлов участкаларини тузиш тартиби ва нормаси

Сайлов участкалари халқ депутатлари район, шаҳар (районларга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари), шаҳарлардаги район Советлари томонидан ёки уларнинг президиумлари томонидан округ сайлов комиссиялари билан келишиб тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари халқ депутатлари маҳаллий Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан қисмларнинг ва ҳарбий қўшилмаларининг командирлари тавсиясига биноан тузилади.

Сайлов участкалари сайловдан камида икки ой аввал тузилади. Ҳарбий қисмларда, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган районларда сайлов участкалари шу муддатда тузилади, алоҳида ҳолатларда эса сайловдан камида беш кун аввал тузилади.

Сайлов участкалари одатда камида 20, кўпи билан 3 минг сайловчидан иборат қилиб тузилади.

Тегишли халқ депутатлари Советининг ижроия комитети ҳар бир сайлов участкасига овоз беришни ташкил этиш учун бино ажратади.

Тегишли халқ депутатлари маҳаллий Совети ёки унинг президиуми ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари ҳамда сайлов комиссияси турган жой ва овоз бериладиган бино ҳақида сайловчиларни хабардор қилади.

IV. Сайлов комиссиялари

19-модда. Сайлов комиссиялари системаси

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказиш учун қуйидаги сайлов комиссиялари тузилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси;

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;

участка сайлов комиссиялари.

20-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясини тузиш

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан сайловдан камида тўрт ой аввал комиссия раиси, раиснинг ўринбосари, комиссия секретари ва 20 аъзосидан иборат қилиб тузилади.

Марказий сайлов комиссияси составига вакиллар меҳнат коллективларининг йиғилишларида (конференцияларида), жамоат ташкилотларининг республика, область, район, шаҳар ва шаҳарлардаги район органлари томонидан, олий, ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишларида сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмларидаги йиғилишлари сайловчиларнинг истиқомат жойидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмларидаги йиғилишларида сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмларидаги йиғилишларида, аҳолининг ташаббускор жамоат органлари томонидан кўрсатиш ва уни тасдиқлаш ушбу қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколат муддати — 5 йил.

21-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказишни ташкил этар экан:

1) республиканинг бутун территориясида ушбу қонуннинг бажарилишини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди; зарур ҳолларда ушбу қонуннинг талқин этилиши тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдимнома топширади.

2) сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб туради; Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг қарорлари ушбу қонунга зид бўлса, уларни бекор қилади; сайлов комиссиялари составига ўзгартириш киритиш тартибини белгилайди;

3) сайлов округларини тузади;

4) пул маблағларини сайлов комиссияларига тақсимлайди; сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ҳамда сайловнинг моддий-техникавий таъминоти билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади;

5) Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловига оид сайлов бюллетенларининг, сайловчилар рўйхатларининг сайловолди йиғилишлари ва сайлов комиссиялари мажлислари протоколларининг, бошқа сайлов ҳужжатларининг формаларини, сайлов қутиларининг ва сайлов комиссиялари муҳрлари нусхаларини, сайлов ҳужжатларини сақлаш тартибини белгилайди;

6) Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг, бошқа давлат ва жамоат органларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар хусусида ахборотларини тинглайди;

7) сайланган депутатларни рўйхатга олади, умуман республика бўйича сайлов якунларини чиқаради, сайлов тўғрисидаги ахборотни ва сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

8) Ўзбекистон ССР Олий Советининг мандат комиссиясига депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур ҳужжатларни топширади;

9) қайта сайлов ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

10) Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини чақириб олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

11) ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини тайинлайди ва бу сайловнинг ўтказилишини таъминлайди;

12) сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари хусусидаги ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан узил-кесил қарорлар чиқаради;

13) Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови тўғрисидаги қонуннинг жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган тарзда бузилишига доир материалларни прокуратура органларига топширади;

14) ушбу қонунга ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

22-модда. Округ сайлов комиссияларини тузиш

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округида сайловдан камида уч ярим ой олдин 9-15 аъзодан иборат қилиб тузилади.

Округ сайлов комиссияси составига вакиллар меҳнат коллективлари ёки уларнинг кенгашлари, жамоат ташкилотларининг республика, область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари ёки уларнинг вакиллари томонидан, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишларида, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмларидаги йиғилишларида, аҳолининг ташаббускор жамоат органлари томонидан кўрсатилади.

Участка сайлов комиссиялари халқ депутатлари район, шаҳар (районга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) шаҳарлардаги район Советлари ёки уларнинг меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари томонидан кўрсатилади. Комиссия составига вакиллар кўрсатувчи меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари томонидан тасдиқланади.

23-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси округда сайловни ўтказишни ташкил этар экан:

1) округ территориясида ушбу қонуннинг бажарилишини назорат қилади;

2) участка сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб туради;

3) сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан халқ депутатлари маҳаллий советлари ижроия ва бошқарув органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ахборотларини тинглайди;

4) сайловчиларнинг рўйхати тузилишини ва уларнинг ҳамма таниша олиши учун тақдим этилишини кузатиб туради;

5) депутатликка номзодлар кўрсатилишини ташкил этади;

6) зарур ҳолларда сайлов округ сайловчилари вакилларининг конференциясини чақиради ва ўтказади, конференцияда қатнашиш учун меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, органлари, сайловчиларнинг ва ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар йиғилишларининг вакиллик нормаларини белгилайди;

7) депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради, депутатликка кўрсатилган номзодларнинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни плакат тарзида нашр қилишни таъминлайди.

8) меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этади;

9) сайлов округи бўйича сайлов бюллетени текстини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссияларининг ушбу бюллетенлар билан таъминланишини йўлга қўяди;

10) сайлов округидаги сайлов натижаларини чиқаради ва матбуотда эълон қилади, сайланган депутатга гувоҳнома беради;

11) қайта овозга қўйишни ва қайта сайловни, шунингдек бўшаб қолган ўринга депутат сайловини ўтказишни ташкил этади;

12) депутатни чақириб олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

13) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари хусусидаги ариза ва шикоятларни муҳокама қилиб, улар юзасидан қарорлар чиқаради;

14) ушбу қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

24-модда. Участка сайлов комиссияларини тузиш

Участка сайлов комиссияси сайловдан камида 45 кун олдин 5—19 аъзодан иборат қилиб тузилади. Зарур ҳолларда участка сайлов комиссиясининг состави қўшайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Участка сайлов комиссиясига вакиллар меҳнат коллективлари ёки уларнинг кенгашлари, жамоат ташкилотларининг район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари ёки уларнинг бошланғич ташкилотлари олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишларида, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмларидаги йиғилишларида, аҳолининг ташаббускор жамоат органлари томонидан кўрсатилади.

Участка сайлов комиссиялари халқ депутатлари район, шаҳар (районга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) шаҳарлардаги район Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан тасдиқланади.

25-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари

Участка сайлов комиссияси:

1) участкадаги сайловчиларнинг рўйхатларини тузади;

2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатдаги нотўғриликлар ҳақидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда унга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал қилади;

3) сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда қатнашиш имконига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилади;

4) сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилади;

5) овоз бериладиган бинолар ва сайлов қутилари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

6) сайлов куни сайлов участкасида овоз берилишини ташкил этади;

7) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;

8) сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалалари хусусидаги ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

9) ушбу қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

26-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари ва комиссия секретари тегишли комиссиянинг биринчи мажлисида сайланади.

Сайлов комиссиясининг мажлисларида комиссия составининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда улар ваколатли ҳисобланади. Комиссиянинг қарорлари очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий составининг овозларининг кўпчилиги билан қабул этилади. Комиссия қарорига қўшилмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини айтишга ҳақлидирлар, бу фикрлар ёзма тарзда протоколга илова қилинади.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул этган қарорлари барча давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари хусусида юқори сайлов комиссиясига, ушбу қонунда кўзда тутилган ҳолларда эса судга ҳам шикоят қилиниши мумкин.

Сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилиб, сайлов ўтказишга ажратилган маблағ ҳисобидан унинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолиниши мумкин.

27-модда. Сайлов комиссияларининг ваколатларини амалга оширишда уларга кўмаклашиш

Давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ваколатларини амалга оширишда уларга кўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материалларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан давлат ва жамоат органларига, корхоналарга, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир, улар эса ўртага қўйилган масалани кўриб чиқиб, уч кунлик муддатдан кечиктирмай сайлов комиссиясига жавоб қайтаришга мажбурдирлар.

V. Сайловчиларнинг рўйхатлари

28-модда. Сайловчиларнинг рўйхати ва уни тузиш тартиби

Сайловчилар рўйхатини ҳар бир сайлов участкасида участка сайлов комиссияси тузади ҳамда унинг раиси ва секретари томонидан имзоланади. Рўйхат тузиш ишида қатнашиш учун участка сайлов комиссияси жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

Ҳалқ депутатлари шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка ва қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари сайловчилар ҳисобига олинишини таъминлайдилар ва тегишли территорияда яшайдиган сайловчилар тўғрисида сайловчиларнинг рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни участка сайлов комиссияларига топширадилар.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган районларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа сайловчилар рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчилар истиқомат жойидаги сайловчиларнинг рўйхатларига умумий асосларда киритилади. Санаторий вадам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасаларнинг раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади.

Сайловчилар рўйхатида сайловчиларнинг фамилияларини овоз беришни уюштириш учун қулай тартибда кўрсатилади.

29-модда. Гражданларни сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби

Сайловчилар рўйхатига сайлов кунигача ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилган пайтда шу сайлов участкаси территориясида доимий ёки вақтинча яшаб турган Ўзбекистон ССРнинг барча гражданлари, шунингдек бошқа иттифоқдош республикаларнинг гражданлари киритилади.

30-модда. Гражданларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш ва сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликлар хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан 15 кун олдин, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган районларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловдан икки кун олдин ҳамманинг таниш чиқиши учун тақдим этилади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан қачон ва қачон танишиш мумкинлиги ҳақида сайловчиларга хабар беради.

Гражданларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ва унинг тўғри тузилганлигини текшириш имкониятини таъминланади.

Ҳар бир гражданга рўйхатга киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик юзасидан, шунингдек рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлик хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи берилади. Рўйхатдаги нотўғриликлар ҳақидаги ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади, участка сайлов комиссияси кечи билан икки кунлик муддат ичида, сайлов арафасида ва сайлов кунида эса дарҳол аризани кўриб чиқиб, рўйхатга зарур тузатишлар киритишга ёки аризачига унинг аризаси инобатга олинмаганлиги тўғрисидаги далил-исботли қарорнинг бир нусхасини беришга мажбурдир. Бу қарор устидан район (шаҳар) халқ судига сайловдан кечи билан беш кун олдин шикоят қилиниши мумкин, район (шаҳар) халқ суди шикоятни уч кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбур. Район (шаҳар) халқ судининг қарори қатъийдир. Суднинг қарорига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатига тузатиш участка сайлов комиссияси томонидан дарҳол киритилади.

VI. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш

31-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайловдан уч ой олдин бошланади ва сайловга икки ой қолганда тугалланади.

(Давоми учинчи бетда).

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Депутатликка номзодлар тегишли сайлов округи территориясида жойлашган ва камида 200 кишидан иборат бўлган меҳнат коллективларининг йиғилишларида (конференцияларида), олий ва ўрта махсус, ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишида кўрсатилади. Ишловчилар сони 200 кишидан кам бўлган ва бир сайлов округи территориясида жойлашган коллективлар қўшма йиғилишда (конференцияда) депутатликка номзодлар кўрсатишлари мумкин, бунда меҳнат коллективи депутатликка номзод кўрсатишга бағишланган битта қўшма йиғилишда (конференцияда) қатнашиш ҳуқуқига эга.

Жамоат ташкилотларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш уларнинг область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари — конференциялари ёки пленумлари томонидан амалга оширилади.

Агар депутатликка номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишда меҳнат коллективи аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпроғи, конференцияда эса делегатларнинг камида учдан икки қисми қатнашса, йиғилиш, (конференция) ҳақиқий деб, ҳисобланади.

Истиқомат жойида сайловчиларнинг депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлари тегишли халқ депутатлари Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан округ сайлов комиссиялари билан биргаликда ўз ташаббусларига кўра ҳам, шунингдек аҳоли ташаббускор жамоат органларининг шу округдаги камида 100 сайловчи қўллаб-қувватлаган ташаббуси билан ҳам чақирилади.

Истиқомат жойида сайловчиларнинг йиғилишини ўтказиш ҳақидаги таклиф халқ депутатлари Советининг ёки унинг президиуми томонидан округ сайлов комиссияси билан биргаликда уч кун муддат ичида кўриб чиқилади. Йиғилиш қайси куни, қайси соатда ва қаерда ўтказилиши ҳақида округ сайловчиларига хабар берилади. Таклиф рад этилган тақдирда аҳоли ташаббускор жамоат органига далил-исботли қарорнинг бир нусхаси берилади. Бу қарор устидан район (шаҳар) халқ судига шикоят қилиниши мумкин, район (шаҳар) халқ суди шикоятни беш кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбурий. Район (шаҳар) халқ судининг қарори қатъийдир.

Йиғилишда сайлов округи территориясида яшовчи камида 300 сайловчи ҳозир бўлган тақдирда у ҳақиқий деб, ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлари ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги томонидан чақирилади.

Йиғилишларда чекланмаган миқдордаги номзодларни муҳокама қилиш учун шароит яратилади. Йиғилишнинг ҳар бир қатнашчиси депутатликка номзодлар тўғрисида таклифлар киритиш, уларни муҳокама қилишда қатнашиш, таклиф этилаётган номзодларни қўллаб-қувватлаш ёки уларнинг номзодини кўрсатмаслик тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқига эгадир. Йиғилиш қатнашчиси ўз номзодини депутатликка номзод тарзда муҳокама қилиш учун тавсия этиши мумкин. Меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишларининг тақдимига биноан ёки бошқа тартибда округ сайловчилари вакилларининг конференцияси ўтказилган бўлса, шу конференциянинг тақдимига биноан округ сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайлов куни кунидан икки ой аввал бошланади ва сайлов кунига бир ой қолганда тугалланади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳужжатлар: мазкур сайлов округидан депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги йиғилишларнинг протоколлари ва башарти округ сайловчилари вакилларининг конференцияси ўтказилган бўлса, шу конференциянинг протоколи, шунингдек депутатликка номзодларнинг мазкур сайлов округидан овозга қўйилишга розилик билдириб берган аризалари мавжуд бўлган тақдирда қабул қилинади. Ушбу қонуннинг 12-моддасида санаб ўтилган шахслар депутатликка номзод қилиб кўрсатилган тақдирда ўз аризаларида башарти улар депутат қилиб сайлансалар, эгаллаб турган лавозимларини бўшатиш ниятида эканликларини кўрсатадилар ёки ўз номзодларини қайтариб олишларини маълум қиладилар. Депутатликка номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисида сайлов комиссияси протокол тузади, бу протокол депутатликка номзодларнинг аризалари билан бирга марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Тегишли сайлов комиссияси ушбу қонун талабларига риоя этиб кўрсатилган депутатликка номзодларни рўйхатга олади. Рўйхатга олишдан бош тортилган тақдирда марказий сайлов комиссиясига уч кунлик муддатда шикоят қилиниши мумкин.

Депутатликка номзод айни бир вақтда фақат битта сайлов округидан овозга қўйилиши мумкин. Депутатликка номзод овозга қўйилишга рози эканлигини округ сайлов комиссиясига депутатликка номзод кўрсатиш муддати тамом бўлганидан кейин уч кундан кечикмай хабар қилади.

Депутатликка номзод марказий сайлов комиссияси шунингдек ўзи номзод қилиб кўрсатилган сайлов округини ёки участка сайлов комиссия составида бўлиши мумкин эмас. Депутатликка номзод қилиб кўрсатилган ва мазкур комиссиялардан бирида бўлган шахс депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган пайтдан эътиборан комиссиядаги вазифалардан озод этилган деб ҳисобланади.

Тегишли сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олингач, тўртинчи кундан кечикмай матбуотда депутатликка кўрсатилган ҳар бир номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), партиявийлиги, иш жойи ва яшаш жойини кўрсатиб, рўйхатга олиш ҳақидаги ахборотни эълон қилади.

34-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарорнинг бекор қилиниши. Номзоднинг ўз номзодини қайтариб олиши

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатган меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти органи, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилиши, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилиши сайловдан олдин исталган вақтда, лекин сайловдан камида беш кун олдин ўзининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бу масала юзасидан қарор депутатликка номзодлар кўрсатиш учун кўзда тутилган тартибда қабул қилиниб, тегишли сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Депутатликка номзод сайловдан аввал истаган вақтида тегишли сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этиб, ўз номзодини қайтариб олиши мумкин.

35-модда. Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби

Башарти депутатликка номзодларни кўрсатиш ёки рўйхатга олиш муддати тугаганидан кейин Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар ўрни бўшаб қолган тақдирда, агар сайлов округида бошқа номзодлар қолмаган бўлса, округ сайлов комиссияси марказий сайлов комиссиясининг рухсати билан меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишларига, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмларидаги йиғилишларига мурожаат этиб, депутатликка янги номзодлар кўрсатишни таклиф қилади. Депутатликка номзодлар ўрни сайловга 15 кундан камроқ вақт қолганида бўшаган тақдирда тегишли сайлов округидан депутат сайлови умумий сайловдан кейин икки ой муддат ичида ўтказилади. Бўшаб қолган ўринларга депутатликка номзодлар кўрсатиш ушбу қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

36-модда. Сайлов бюллетени

Бюллетенга Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига рўйхатга олинган барча номзодлар алфавит тартибида киритилади, унда ҳар бир депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), иш жойи ва яшаш жойи кўрсатилади. Сайлов бюллетенлари ўзбек ва рус тилларида, шунингдек сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда босилади.

VII. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар фаолиятининг кафолотлари

37-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзоднинг сайловолди программаси

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодга ўзининг бўлажак фаолият программаси билан чиқиш ҳуқуқи берилади.

Депутатликка номзоднинг программаси СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган давлат ва ижтимоий тузум негизларига қарши бўлмаслиги, урушни тарғиб қилмаслиги, миллий адоватга ҳамда гражданларнинг конституцион ҳуқуқларини камситишга даъват этмаслиги керак.

38-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзоднинг йиғилишларда сўзга чиқиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ахборот олиш ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР Олий Советига номзодлар сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган вақтдан бошлаб сайловолди йиғилишларида ва бошқа йиғилишларда, кенгашларда, мажлисларда, матбуотда чиқиш, телевидение, радио орқали сўзлаш учун тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувларни ташкил этишга, зарур ахборот материалларини олишда ёрдам беришга мажбурдирлар.

39-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзоднинг ишончли вакиллари

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодга беш нафаргача ишончли вакилга эга бўлиш ҳуқуқи берилади, бу вакиллар унга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, унинг депутат қилиб сайланиши учун агитация ўтказадилар, давлат ва жамоат органлари билан, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида унинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод ишончли вакилларни ўз ҳоҳиши билан белгилайди ва уларни рўйхатга олиш учун округ сайлов комиссиясига хабар қилади. Округ сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олинганидан кейин ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳномалар беради.

Ишончли вакиллар депутатликка номзоднинг илтимосига кўра иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолгани ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Шу муносабат билан корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг қилинган харажатларини сайловни ўтказишга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Ишончли вакил тегишли сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

40-модда. Сайловолди агитацияси

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодга йиғилишларда ҳам, шунингдек сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда ҳам ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиш ҳуқуқи берилади. Сайловчиларнинг йиғилишларини сайлов комиссияси халқ депутатлари тегишли Совети ёки унинг президиуми билан биргаликда ташкил этади.

Депутатликка номзод кўрсатган меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларига ўқувчилар, студентлар билан биргаликда, истиқомат жойларида сайловчиларга ва ҳарбий хизматчиларга ўзлари кўрсатган номзодларни ёқлаб тенг асосларда ҳеч монеликсиз ташвиқот олиб бориш ҳуқуқи берилади. Сайлов комиссиялари уларга йиғилишлар ва митинглар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар, шунингдек сайловолди агитациясини олиб бориш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имкониятини берадилар.

Ўзбекистон ССР гражданларига, меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларига ўқувчилар, студентлар билан биргаликда ҳамда ҳарбий хизматчиларга депутатликка номзодларнинг сиёсий, амалий ва шахсий фазилатларини эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилиш имконияти, шунингдек йиғилишларда, матбуотда, телевидение ва радио орқали номзодни ёқлаб ёки унга қарши агитация олиб бориш ҳуқуқи гарантияланади.

Йиғилишлар ва учрашувлар қачон ва қаерда ўтказилиши сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Сайлов куни агитация олиб борилишига йўл қўйилмайди.

41-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодни сайловолди тадбирларида қатнашиш учун ишлаб чиқариш ёки бошқа хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиш

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида, митингларда, телевидение ва радио орқали сўзга чиқиш вақтида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифасини бажаришдан озод қилиниб, унинг ўртача иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақлаб қолинади.

42-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзоднинг транспортда бепул юриш ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли сайлов округи доирасида пассажир транспортининг ҳамма турларида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга. Сайлов округидан ташқарида яшайдиган депутатликка номзод сайлов округига бориш ва яшаш жойига қайтиб келиш учун ҳам шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

43-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзоднинг дахлсизлиги

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод марказий сайлов комиссиясининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида белгиланадиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

VIII. Овоз бериш ва сайлов якунларини чиқариш тартиби

44-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини сайлаш чоғида овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан соат 7 дан 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида ўн кун олдин хабардор қилади.

Ҳарбий қисмларда, узоқ ва бориш қийин бўлган районлардаги гражданлар турган жойларда, шунингдек санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ҳамда бошқа доимий даволаш муассасаларида ташкил этилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси агар рўйхатга киритилган ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлган бўлсалар, исталган вақтда овоз бериш тугалланган, деб эълон қилиши мумкин.

45-модда. Овоз беришни ташкил этиш

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар улар ёнига келган вақтда албатта яширин овоз бериш учун кабиналар ёки хоналар орқали ўтадиган қилиб жойлаштирилади.

Овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўз истакларини яширин билдиришларини таъминлаш, биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш учун участка сайлов комиссияси жавобгардир.

Сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдин тегишли сайлов комиссиясининг раиси комиссиянинг барча аъзолари иштирокида сайлов қутиларини текширади, пломбалайди ёки муҳрлайди.

Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради; бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенлари тегишли сайлов комиссияси томонидан сайлов участкаси сайловчиларининг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилганида берилади. Сайлов бюллетенлари берилганлиги тўғрисида сайловчилар рўйхатига белги қўйилади.

Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, депутатликка номзодлар хусусида қарор қабул қилиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо чекади. Сайлов варақасининг шаклини округ сайлов комиссияси белгилайди.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган бинога кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин.

Бирор бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар илова рўйхатига киритиладилар.

46-модда. Овоз бериш

Сайлов бюллетенлари овоз берувчилар томонидан яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдирилади. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон бир кишининг бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи кабина ёки хонага ўз хоҳиши бўйича сайлов комиссиясининг аъзосидан бошқа кишини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини сайлаш чоғида сайловчи бюллетенидаги ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

47-модда. Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаб чиқиш

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини сайлаш чоғида сайлов участкасида овозлар участка сайлов комиссияси томонидан ҳар бир депутатликка номзод бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси овоз бериш тугаганлигини эълон қилганидан кейин комиссиянинг барча аъзолари иштирокида очилади. Овоз бериш тугашидан олдин сайлов қутиларини очиш тақиқланади. Сайлов қутиларини очишдан олдин фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенларини участка сайлов комиссияси ҳисоблаб чиқади ва бекор қилади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг асосий рўйхати ва унга илова бўлиб сайлов участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, шунингдек бюллетенлар ва сайлов варақалари олган сайловчиларнинг умумий сонини аниқлайди. Сайлов қутиларида бўлган бюллетенлар, шунингдек сайлов варақалари асосида комиссия овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонини; ва ҳар бир депутатликка номзодга ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар ва сайлов варақалари сонини аниқлайди. Сайловчилар бюллетенларга ва сайлов варақаларига қўшимча ёзиб қўйган гражданларнинг фамилиялари бўйича овозлар ҳисобланмайди.

Белгиланмаган нусхадаги сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари, шунингдек овоз бериш вақтида биттадан ортиқ номзод қолдирилган бюллетенлар ва варақалар ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг, варақасининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масалани участка сайлов комиссияси овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва протоколга ёзиб қўйилади.

Протокол комиссия раиси, раис ўринбосари, комиссия секретари ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда марказий сайлов комиссияси белгилаб қўйган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

48-модда. Сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг протоколлари асосида округдаги сайловчиларнинг умумий сонини: сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари олган сайловчилар сонини; овоз беришда қатнашган сайловчилар сонини; ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; ва қарши берилган овозлар сонини ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар ва сайлов варақалари сонини аниқлайди.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозининг ярмидан кўпини олган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб сайланган деб ҳисобланади.

Округ сайлов комиссияси сайлов давомида ёки овозларни санаб чиқиш пайтида ушбу қонунни бузишга йўл қўйилгани учун сайловни ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин.

Агар сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан камроғи қатнашган бўлса, сайлов бўлмаган деб ҳисобланади.

Сайлов округи бўйича сайлов натижалари округ сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва протоколга киритиб қўйилади. Протокол комиссия раиси, раис ўринбосари, комиссия секретари ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда белгиланган тартибда марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Сайлов округи бўйича сайлов натижалари тўғрисидаги ахборот тегишли округ сайлов комиссияси томонидан марказий сайлов комиссияси белгилаган муддатларда матбуотда эълон қилинади. Ахборотда сайловчилар рўйхатига киритилган гражданларнинг умумий сони; овоз беришда қатнашган сайловчилар сони; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони ва номзодга қарши берилган овозлар сони; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар ва сайлов варақалари сони, сайланган депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), партиявийлиги, иш жойини ва яшаш жойини, уни депутат қилиб сайлаган сайлов округини кўрсатиб, матбуотда эълон қилади.

49-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини рўйхатга олиш

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини ўзига келиб тушган сайлов комиссияларининг протоколлари асосида рўйхатга олади.

Агар сайлов давомида ёки овозларни санаб чиқиш ёхуд сайлов натижаларини аниқлаш чоғида ушбу қонунни бузишга йўл қўйилган бўлса, марказий сайлов комиссияси сайловни ҳақиқий эмас, деб топиши ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатини рўйхатга олишдан бош тортиши мумкин.

50-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловининг якунларини эълон қилиш

Бутун республика бўйича сайлов натижалари тўғрисидаги ахборотни ва сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг рўйхатини марказий сайлов комиссияси кечи билан ўн кун муддат ичида алфавит тартибида депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти)ни, партиявийлигини, иш жойини ва яшаш жойини, уни депутат қилиб сайлаган сайлов округини кўрсатиб, матбуотда эълон қилади.

51-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатининг гувоҳномаси ва кўкракка тақиладиган нишони

Округ сайлов комиссияси марказий сайлов комиссияси рўйхатга олган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг рўйхати матбуотда эълон қилинганидан кейин ҳар бир сайланган депутатга унинг сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети сайланган депутатларнинг ваколатини тасдиқлаганидан кейин депутат қилиб сайланганлиги тўғрисида уларга берилган гувоҳнома Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати гувоҳномаси билан алмаштирилади. Депутатга «Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати» деган сўзлар ёзилган кўкракка тақиладиган нишон ҳам берилади.

X. Такрорий овоз бериш, қайта сайлов ўтказиш ва бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини сайлаш

52-модда. Такрорий овоз бериш

Агар сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига иккитадан ортиқ номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан биронтаси сайланмаган бўлса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган иккита депутатликка номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу қарор ҳақида округ сайлов комиссияси марказий сайлов комиссиясига маълум қилади ва округ сайловчиларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш сайлов округида кечи билан икки ҳафта муддат ичида ушбу қонун талабларига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда қатнашган сайловчилар овозини бошқа номзодга қараганда кўпроқ олган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб сайланган ҳисобланади.

53-модда. Қайта сайлов ўтказиш

Агар сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўпи билан иккита номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса ёки сайлов округи бўйича сайлов бўлмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, ёхуд такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса, марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиясига сайлов округида қайта сайлов ўтказишни топшириди. Бунда у сайловни янги составдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш аввалги сайлов участкаларида ва умумий сайловни ўтказиш учун тузилган сайловчилар рўйхати бўйича ўтказилади.

Қайта сайлов умумий сайловдан кейин кечи билан икки ой муддат ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозининг ярмидан кўпини олмаган депутатликка номзод ушбу ёки бошқа сайлов округидан такроран номзод қилиб кўрсатилиши мумкин эмас.

54-модда. Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказиш

Ўзбекистон ССР Олий Совети айрим Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколатларини ҳақиқий эмас, деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда тегишли сайлов округларида депутатлик ўрни бўшаб қолган вақтдан эътиборан икки ой муддат ичида янги сайлов ўтказилади. Сайлов марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишидан камида бир ой олдин белгиланади ва ушбу қонун талабларига риоя қилган ҳолда ташкил қилинади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловдан 25 кун олдин, участка сайлов комиссиялари 15 кун олдин тузилади, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловдан 15 кун олдин тўхтатилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатининг ўрни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколат муддати тугашига олти ойдан камроқ вақт қолганида бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга янги Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати сайлови ўтказилмайди.

IX. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови якунларини чиқариш ва эълон қилиш тартиби

49-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини рўйхатга олиш

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини ўзига келиб тушган сайлов комиссияларининг протоколлари асосида рўйхатга олади.

Агар сайлов давомида ёки овозларни санаб чиқиш ёхуд сайлов натижаларини аниқлаш чоғида ушбу қонунни бузишга йўл қўйилган бўлса, марказий сайлов комиссияси сайловни ҳақиқий эмас, деб топиши ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатини рўйхатга олишдан бош тортиши мумкин.

50-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловининг якунларини эълон қилиш

Бутун республика бўйича сайлов натижалари тўғрисидаги ахборотни ва сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг рўйхатини марказий сайлов комиссияси кечи билан ўн кун муддат ичида алфавит тартибида депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти)ни, партиявийлигини, иш жойини ва яшаш жойини, уни депутат қилиб сайлаган сайлов округини кўрсатиб, матбуотда эълон қилади.

51-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатининг гувоҳномаси ва кўкракка тақиладиган нишони

Округ сайлов комиссияси марказий сайлов комиссияси рўйхатга олган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг рўйхати матбуотда эълон қилинганидан кейин ҳар бир сайланган депутатга унинг сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети сайланган депутатларнинг ваколатини тасдиқлаганидан кейин депутат қилиб сайланганлиги тўғрисида уларга берилган гувоҳнома Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати гувоҳномаси билан алмаштирилади. Депутатга «Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати» деган сўзлар ёзилган кўкракка тақиладиган нишон ҳам берилади.

ЎзТАГ ТУЗАТИШИ

Газетанинг 29 август сонида босилган «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга қуйидаги тузатишлар киритилсин:

107-модданинг 1-абзаци юқоридан 3-сатридаги «чиқариш ташаббуси» сўзлари «Қонун лойиҳалари таклиф қилиш» деб ва шу модданинг 2-абзаци қуйидаги 2-сатридаги «Қонун чиқариш» сўзлари «Қонун лойиҳаларини таклиф қилиш» деб ўқилсин.

111-модданинг 2-абзаци пастдан 3-сатридаги «СССР» сўзи «Ўзбекистон ССР» деб ўқилсин.

Расул ҲАМЗАТОВ:

«АЖОЙИБ ДЎСТЛАРИМ БОР...»

Машҳур шоир, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Расул Ҳамзатов билан мулоқот



Миллатлараро муносабатларни янги негизда уйғунлаштириш — партия миллий сиёсатининг олий мақсадларидан биридир.

(«Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» тўғрисидаги КПСС платформасидан).

— Расул оға, бир нақл бор, балки сиз ҳам эшитгандирсиз, шоир дарддан дод солувчи зот ҳисобланармиш...

— Нега энди дарддан дод солавериши лозим экан унинг? Шоир қувончдан ҳайқиришиям керак эмасми, ахир?

Умуман, шоиру шеърият ҳақида кўп нарсалар айтилган. Лекин шундай бўлса-да, айниқса шеъриятга аниқ бир ифода топиш мушкул. Чунки топилган ўхшатмалар гоҳида жўн, гоҳи эса тутуруқсиз бўлиб қолаётир.

Шеърият — сирли бир жумбоқ. Дейлик, саҳро бўйлаб кетяпсиз, чанқоқликдан лабларингиз қуруқшаб қолган. Ва кутилмаганда муздай булоққа дуч келдингиз. Агар билсангиз, шу булоқ — шеърият.

Шеърият бўлмаганида тоғлар қават-қават тош уюми, қуёш — иссиқлик ажратувчи самовий жисм, юрак ҳаяжони — қон айланишининг кучайиши, қушларнинг сайраши эса бир-бирини чорловчи товуш бўлиб қолаверарди, холос. Шеърият бу тонг отиши ёки қуёшнинг ботиши, эътироф ёки исён, тарсаки ёхуд ўпич.

Шуниси ҳам борки, илгари шеърлар мақолу нақлларга айланарди, ҳозир эса мақол ва нақллар асосида узундан узун шеърлар битиладиган бўлди.

— Кечирасиз, Сизни кўплар шоир бўлиб туғилган дейишади?..

— Пушкин шоир бўлиб туғилган, у болалигидаям, ўсмирлигидаям ажойиб мисралар битган. Умар Хайём эса болалигида шеър ёзмаган, Тютчев ҳам... Аслида эса шоир ҳақиқий шеърни битилган кунда дунёга келади.

Мавриди келди, сизга бир воқеани айтиб берай. Анча йил бурун ҳузуримга бир нотаниш йигит келди. Хат келтирибди — отамнинг дўстларининг биридан. Мактубда, жумладан шундай дейилганди: «Шу йигит шоир бўлиши керак. Сен унга ёрдам бер». Демак, бу йигит шеър машқ қиларкан-да, деб ундан ёзганларини сўрасам, «Шеър ёзишни билганимда сиздан ёрдам сўраб келмасдим-ку? Сизга шогирд тушмоқчиман. Мана ҳужжатларим» деб ўнинчини битиргани, соғлиғи яхшилиги, колхозда ишлаши, хотини-ю болалари борлиги хусусида ҳужжат қоғозларини кўрсатди.

Албатта, бу кулгили ҳол эди. Кўпчилик шеър ёзишни ҳақиқатдаям касб, шоирларни эса миллионер деб биларди. Ўша йигитнинг оиласи жўжабирдек жон бўлиб, колхоздан олаётганлари рўзғорга етмас экан. Кимдир унга «шоирликни ўрган, пулнинг остида қоласан» деб маслаҳат берибди. Ёши йигирма бешдан ошган, устига устак, адабиётнинг кўчасига мутлақо кирмаган йигит бу гапга лаққа тушиб...

— Балки ҳозир ҳам топилар шундай афандилар? Ахир, ҳозир шоирлар кўп...

— Ким айтди сизга шоирлар кўп, деб? Шеър битувчилар кўпайган бўлиши мумкин, лекин шоирлар жуда оз. Агар улар кўп бўлганда, дунёнинг ишлари бошқача бўлармиди-ей?..

— Устозингиз ҳақида...

— Айнан шу ёки бу одам менга устозлик қилган, деб айтолмайман. Умуман, адабиётда устознинг ўзи бўлмайди. Менинг устозларим... она табиат, йиллар залвори ва давр.

— Илк бор ёзган шеърингиз эсингиздами?

— Жуда кўп шеър ўқиганман, жуда кўп шеър ёд билганман. Бир кун кечаси уйқум қочиб, ёзгим келаверди. Ёздим. Назаримда дурустгина шеър чиқди. Уни мактаб деворий газетасида босишди, аммо роса қисқартириб. Лекин уни тўлиқ ҳолда мактаб саҳнасидан ўқувдимки (1 Май арафасида, шекилли), мактабдошларим: «Овулимизда тағин бир шоир пайдо бўлди», деб мени қутлашди. Ўшанда ўзимни зўр шоир деб ҳисоблаган бўлсам, ажаб эмас.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир эса... баъзан шундай пайтлар бўладики, шоирлигимга шубҳаланаман.

— Ўша дастлабки шеърларингизни беш жилдлик сайланмангизга киритганмисиз?

— Йўқ. Чунки уларда гап кўп-у, боя таъкидлаганим — «йиллар залвори» етишмайди.

— Айрим танқидчиларнинг «Ҳамзатов — файласуф» деган таърифига қандай муносабатдасиз?

— Омади юришмаган шоирларгина файласуф бўлишади. Омади юришмаган файласуфлар эса — тарихчи. Ҳақиқатдаям, сал ишим юришмади дегунча, ўзимни фалсафага ураман. Аммо шоирлик билан файласуфлик мутлақо бошқа-бошқа нарсалар.

Илгари поэзия кўпинча ахборотлар йиғиндисидан иборат бўларди. Янги йўл очилса — шеър ёзиларди, янги канал ишга тушса — яна шеър... Бугун эса шеърият мутлақо бошқача, у ниҳоятда чуқурлашди, теранлашди.

— Шеърият-у адабиёт охири бир куни ёвузликни тугатиши мумкинми?

— Адабиёт, жумладан шеъриятнинг вазифаси бундан иборат эмас. У фақат муаммо кўтариб чиқиши мумкин. Масалан, рус адабиёти: «Нима қилмоқ керак?», «Россияда ким яхши яшайди?» каби саволларни ўртага ташлаган. Бу саволларни эса жамият ечиши лозим. Шоир худди камбағал бир одамдай: унда на танк, на самолёт, на қурилиш материали бор. Унинг бойлиги — қоғоз-у, қалам.

— Бугунги шеърият олдидаги энг долзарб масала?

— Мана бу-мана бу муаммоларни кўтариш керак, деб кўрсатма бериш қийин. Шеъриятнинг боши битта-ю, ташвиши мингта. Асосийси — тинчликни сақлаш, оила, миллат, Ватан тараққиёти. Оила бўлмаса, миллат бўлмайди, миллат бўлмаса — халқ, халқ бўлмаса — Ватан. Яна бир катта муаммо — севгини асраш, авайлаш!

— XXI аср шеъриятини қандай тасаввур қиласиз?

— Янги-янги воқеалар, воқеликлар, шубҳасиз шеъриятга янгича оҳанг, янгича шакл бағишлайди. Лекин шеърият ўзининг асл манбаи — халқнинг маънавий булоқларидан сув ичиб туриши лозим. Борди-ю шу булоқларнинг кўзини қум қопласа — даҳшат!

Халқ оғзаки ижоди ҳам ана шу булоқлардан. Бизда ёмон одам ҳақида шундай дейишади: «Онаси унга алла айтмаган экан-да?..» Тоғликларнинг ақл-заковатини аниқлаш учун қадимда уларга учта шарт қўйиларди — ўтмас болтада ўтин ёриш, тошлоқ жойнинг ерини ҳайдаш ва учта эртак айтиб бериш.

— Мана, ҳозир ҳаётимизга мисли кўрилмаган ошкоралик кириб келяпти. Ҳозирги кунда ижод эркинлиги деганда нимани англайсиз?

— Эркин бўлмасангиз — ёза олмайсиз. Инсон ва озодлик — бир бутун ёмби, уларни бир биридан ажратиб бўлмайди. Шоир ёзаётганида цензура, танқидчи-ю ўқувчини ўйлай бошласа, шеърини ҳеч вақт тугата олмайди.

Ёзаётганимда менга ҳеч ким, ҳеч нарса халақит бермаслиги шарт. Айниқса, ҳозир. Чунки ёзаётганим ўша оламга — фақатгина менга тааллуқли. Ёзиб бўлганимдан сўнг, агар шеъримни биропрта одам қабул қилмаса, унда у шеърдан мен ҳам воз кечаман: уни ўлган деб ҳисоблайман. Чунки мен одамларга насиҳатгўй эмас, чинакам дўст бўлишни истайман...

— Нега проза ёзмай қўйдингиз?

— Прозага иқтидордан ташқари атрофлича билим, катта тайёргарлик ишлари керак. Бу ниҳоятда кўп вақтни талаб этади. Мен айрим ёзувчиларимизнинг йилига биттадан роман ёзиб ташлайверишига ҳайрон бўламан ҳануз...

— Сизнингча, адабиётда қайта қуриш қандай ўтиши лозим?

— Қайта қуриш сиёсатини жон-дилим билан қўллаб-қувватлайман. Қайта қуриш ёзувчиларга ҳам, айниқса Ёзувчилар союзига ниҳоятда зарур.

— Агар сир бўлмаса: отангиздан қолган энг катта мерос?

— Тўғрисўзлик. Одамлар дардига малҳам бўлишлик. Хуллас, менда қанақанги яхши хислат бўлса, бари — ота мерос. Агар ёмон хислатларим бўлса — бунда отамнинг айби йўқ. Отамнинг яна бир хислати — темир интизом. Афсуски, у менда йўқ.

— Отангиздан калтак еганмисиз?

— Бир марта. Ўшанда мактабга бормай, қимор ўйнаб, отам китоб-дафтарга берган пулни ютқазиб қўювдим. Яна ўйнагим, аниқроғи ютгим келди. Пул эса — йўқ. Бир ҳийла ўйлаб топдим. «Эртага шаҳардан полвонлар келишиб, томоша кўрсатишади. Улар менга пул йиғишни топширишди» деб овулимиздаги беш-олти хонадондан пича пул тўпладим. Аммо уларниям бой бердим...

Уйга бир аҳволда, шимларим йиртилиб қайтдим. «Қаерда эдинг? Шиминг нега йиртилди?» сўради отам. «Мактабда эдим. Мих илиб олди» дейишим билан отам шапалоқ тортиб юборди. У киши ҳаммасини билган экан — қўшнилар айтишибди.

Орадан уч кун ўтгач, мени чақириб сўради: «Нима учун урганимни биласанми?». «Қимор ўйнаганим учун». «Йўқ, ёшлигимизда ҳаммамиз ҳам ўйнаганмиз». «Шимимни йиртганим учун». «Йўқ, ким ёшликда шимини йиртмайди?». «Унда, мактабга бормаганим учун», «Йўқ. Алдаганинг учун. Бу охиргиси бўлсин!».

— Мени бир нарса таажжубга солди: Кавказнинг айрим шаҳарлари, айтайлик, Нальчик, Орджоникидзеда миллий мактаблар деярли йўқ экан. Сизларнинг Махачқалъада-чи, аҳвол қандай?

— Чатоқ. Бизда ҳатто миллий боғчалар ҳам йўқ. Доғистон энг кўп миллатли жойлардан бири ва бу ерда авар, лақ, қўмиқ... тўққиз тилда адабиётлар чиқарилади. Лекин аҳвол ана шу тарзда давом этаверса, ўттиз-қирқ йиллардан сўнг бундай нашрларни шаҳримизда ҳеч ким ўқий олмайди. Яхшиямки, узоқ овулларда миллий мактаблар бор, тил сақланяпти. Аммо тил ўрганиш учун ҳаммаям овулларга боравермайди-ку?

Шуни билингки, айримлар таъкидлаётганидек, миллий тиллар москвадагиларнинг буйруғига биноан эмас, балки баъзи маҳаллий раҳбарларимиз «ташаббуси» туфайли кучсизланиб бораётир. Ўз она тилини, ўз халқи маданиятини инкор этишдан каттароқ жиноят бўлмаса керак.

Сизга бир воқеани айтиб берай. Узоқ йили Францияда бир рассомни учратиб қолдим. У ҳамюртим бўлиб чиқди. Доғистондан қандайдир бир сабаб билан кетиб қолган. Онаси-ю қариндошлари билан алоқасиям йўқ. Қайтиб келгач, унинг онасини топдим. «Мен ўғлим ўлиб кетган деб юрардим-а. Хат ёзмасаям, ишқилиб соғомон юрса бўлди!» деб роса қувонди кампир.

Кетаётганимда у дафъатан сўраб қолди: «Айт-чи, ўғлим билан авар тилида гаплашдиларингми?». Алдаёлмадим. Ўғли аварчани умуман билмасди. Биз таржимон орқали тиллашгандик. Буни эшитиб, кампир тундлашди. У пича жим қолдида, сўнг деди: «Расул, сен адашибсан. Рассоминг бошқа одам экан. Агар менинг болам бўлганида, она тилини ҳеч вақт унутмасди. Ўғлимнинг ўлгани рост экан...»

Ёдимдан чиқмайди: Махачқалъада (бундан бир неча йил илгари бўлган эди бу) бир амалдор сўз олиб: «Биз қабристонларимиз тўғрисида ўйлаб кўришимиз керак... Ўлим — ҳақ. Аммо мени бир нарса безовта қилади: ўлсам, наҳотки, албатта ота-онам ётган қабристонга кўмишади? Мен буни истамайман, чунки улар ўтакетган диндор бўлишган, мен эса коммунистман, динга ишонмайман». Даҳшатни қаранг!

— Мен ҳам шундай бир «коммунист»ни биламан. Онаси ўлганида чоллар эски расм-русумларни қилишмоқчи бўлибди. У эса: «Жанозасиз кўмаверайлик. Мен фалон жойда ишлайман, чўнтагимда билетим бор...». «Ундай бўлса, ўзинг кўмавер» деб чоллар чиқиб кетишибди.

— Сизларда бир мақол бор: «Салласини ол деса, калласини олиб келибди» деган. Ана шунақанги одамларга тааллуқли бу. Улар ўзларини, эҳ-ҳе, кимлар деб ҳисоблашса керак! Аслида эса энг нотавон, энг қўрқоқ кимсалардир. Уруш пайтидаги хоинлар ана шунақанги кимсалардан чиққан.

— Яна нималар безовта қилади Сизни?

— Одамлар ўртасидаги муносабатларнинг тобора совуётгани. Илгарилари ёру дўстлар бир бирининг ҳолидан деярли кунига хабар олиб туришарди. Кейин шанба-ю якшанбада учрашадиган бўлишди. Ҳозир эса ё бир ойда, ёки бир кварталда зўрға бир марта учрашишади. Кейинчалик нима бўларкин, буни худо билади...

— Айтинг-чи, Ҳамзатовга Ҳамзатовнинг нимаси энг кўп ёқмайди?

— Қомати.

— Тошкент ёнидаги Чирчиқ шаҳрида Сизнинг «Турналар» қўшиғингиз асосида Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларга ёдгорлик ўрнатилган. Оқ турналарга айланган жангчилар қанот ёзишяпти...

— Бундай эътибордан чексиз миннатдорман.

— Расул оға, ана шу машҳур қўшиғингиз тарихи ҳақида гапириб берсангиз?

— Уни Японияда — Хиросимада ёзганман. Оппоқ қоғозлардан турначалар ясаб, уларни бирин-кетин осмонга учирадиган қизча ҳақидаги ҳикоя менга қаттиқ таъсир қилди. Эртасига эса онамнинг вафоти тўғрисида телеграмма келди. Ва бир онда волидам, урушда ҳалок бўлган икки акам оппоқ турналарга айланиб қолди гўё...

Шеърга Ян Френкель куй басталади. Машҳур хонанда Марк Бернес эса уни илк бор менга Москвадан телефонда айтиб берган эди.

— Бизнинг Шерали Жўраев деган зўр хонандамиз ҳам бир қатор шеърларингизни қўшиққа айлантирган ва уларни одамлар севиб тинглашади.

— Масалан, қандай шеърларимни?

— «Ошиқларнинг сардори менман», «Она» кабиларни.

— Минг раҳмат. Умуман, сизнинг ўлка шеъру қўшиққа бой. Лекин шундай бўлсада, сизлар жаҳон классик шеъриятиниям бениҳоя қадрлайсизлар. Мени, масалан, Эркин Воҳидовнинг «Фауст»ни, Абдулла Ориповнинг «Илоҳий комедия»ни ўзбекчага ўгиргани росаям шодлантирган.

— Ўзбек шеърияти бойлигини таъкидлаб ўтдингиз. Аммо негадир бу шеъриятни, бизнинг забардаст шоирларимизни хориж у ёқда турсин, москвалик ўқувчилар ҳам яхши билишмайди. Алам қиларкан одамга...

— Менимча, бундай машҳурлик балки шарт эмасдир. Жаҳонда кўплаб талантли шоирлар борки, уларни биз кам биламиз. Ижодкор, менимча, энг аввало, ўз юртида танилиши керак. Агар овулимдагилар мени тан олишмаса, ўқишмаса, гарчанд мени бутун дунё билса-да, ҳеч ким бўлолмайман.

— Сиз Ўзбекистонга тез-тез келиб турасиз. Юртимиз ҳақидаги таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз?

— Агар ўзбеклар мени «тез-тез келиб турган» деб ўйлашса, мен уларнинг жонига тегибман. Назаримда, мен Ўзбекистонда жудаям оз бўлгандайман. Таассуротларим эса бир олам! Қадимий обидалар! Сулув қизлар! Қалби кенг йигитлар! Кўҳна бозорлар! Самарқанд! Бухоро! Театрлар! Такрорланмас мусиқа! Палов! Кабоб!

Мен учун яхши жой — дўстларим энг кўп бўлган жой. Мен Ғафур Ғуломникида меҳмон бўлганман. Ойбек билан яқин эдим. Мирмуҳсин ва Рамз Бобожон билан турли анжуманларда кўришиб турардик. Ҳамид Олимжонни кўролмаганимдан ҳамон афсусланаман.

Улкан тақдирли, хислатлари беҳисоб Зулфияхонимни мудом эъзозлайман. Шукруллодек ажойиб ўртоғим бор. Уникида кўп марта бўлганман. Мен уни эркалатиб «Шукур, олло» деб чақиришни хуш кўраман. Сизларда бири иккинчисидан истеъдодли шоирлар етишиб чиқаётгани мени шодлантиради.

Умуман, ўзбеклар ажойиб инсонлар, меҳнаткаш, камтар, содда. Охирги пайтларда ўзбекларнинг сахий дастурхонини, меҳмондўстлигини, одамгарчилигини лаганбардорлик, порахўрлик йўлидаги тузоқлар, деб айтаётганлар ҳам чиқди. Улар республикангизнинг баъзи амалдорлари қилган жиноятларни бутун ўзбек халқи гарданига ағдаришга уринишяпти. Улар шуни эсдан чиқаришмасинки, бутун бошли халқ ҳеч вақт жиноятчи бўлмайди, халқ қурбон бўлиши мумкин, холос.

Айни пайтда миллий худбинликни ҳам ёқтирмайман. Ўзга овулни, ўзга миллатни ёмонлаганлар аблаҳ одамлардир. Бундай одамлар халқ бошига кўп мушкул ишларни солиши мумкин.

У ёки бу халқнинг буюклик даражасини, менимча, у қолдирган ва қолдираётган (нафақат ўзига, балки дунёдаги бошқа халқларга ҳам) маънавий бойлик белгилайди.

Мен оғизда халқлар дўстлиги деб жонини жабборга бериб, аслида эса ўзига ўхшашларни тўплаб, бошқа халқларни ер билан яксон қилишдан тоймайдиганларга қаршиман.

Иқтисоддаги қўшиб ёзиш — уятдир, аммо маънавий жабҳадаги, айниқса миллатлараро муносабатлардаги қўшиб ёзишлар эса шармандаликдир.

Ҳозир, том маънода инқилоб кечаётган бир пайтда биз шоирлар оқимга қараб эмас, балки унга қарши суза олишимиз, алданганларни эзгулик йўлига бошлашимиз шарт. Майли, бу йўлда қийналайлик, яккаланиб ҳам қолайлик, кун келса, аммо ҳақ ишимиз барибир тантана қилишига ишончни йўқотмаслик лозим.

— Суҳбатингиз учун катта раҳмат. Расул оға. Ижодингизга барака!

«Совет Ўзбекистони» газетхонларига!

Ҳаммага, ҳамма жойда, ҳамма вақт шодлик, қувонч ва бахт тилайман.

Сизнинг

Суҳбатни Анвар ЖЎРАБОЕВ олиб борди.
Махачқалъа — Тошкент.

• Реклама ва эълонлар •

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

Репертуар плани

2 сентябрда — ИОЛАНТА.
3 сентябрда — ЧИПОЛЛИНО (12.00), КАРМЕН (19.00).
5 сентябрда — МАЙСАРАНИНГ ИШИ.
6 сентябрда — ДУНЁНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
7 сентябрда — КНЯЗЬ ИГОРЬ.
8 сентябрда — РАЙМОНДА.
9 сентябрда — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
10 сентябрда — АЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ (12.00), ТЎМАРИС (19.00).
12 сентябрда — АИДА.
13сентябрда — БОҒЧАСАРОЙ ФОНТАНИ.
14 сентябрда — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
15 сентябрда — БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР.
16 сентябрда — МАСХАРАБОЗЛАР.
17 сентябрда — ГЎЗАЛ ВАСИЛИСА (12.00), ДОН КАРЛОС (19.00).
19 сентябрда — ФАУСТ.
20 сентябрда — ДОН КИХОТ.
21 сентябрда — ХИВА ОРДЕНИ.
22 сентябрда — ЧИО-ЧИО-САН.
23 сентябрда — КОНЦЕРТ.
24 сентябрда — ЭТИК КИЙГАН МУШУК (12.00), ГОФМАН ЭРТАКЛАРИ (19.00).
26 сентябрда — ЗЕБУННИСО.
27 сентябрда — ҚУЁШГА ТАЪЗИМ ҚИЛ.
28 сентябрда — ОТЕЛЛО.
29 сентябрда — УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ.
30 сентябрда — ПЕТР БИРИНЧИ.

Билетлар театр кассасида соат 10.00 дан 19.30 гача сотилади. Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача.
СПРАВКАЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР — 33-90-81, 33-33-44.

Урта Осиё агросаноат комплекси машиналари, механизмлар ва ускуналарига хизмат кўрсатиш ва улар ремонтини уюштириш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг
ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
лабораториялар бўйича илмий ходимлар
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходим, илмий ходим: пахта машиналари технологияси ва уларнинг ремонтини ташкил этиш;
етакчи илмий ходим (фан кандидати ёки доктори), **катта илмий ходим, илмий ходим:** ремонт базасини режалаштириш ва табиатни муҳофазалаш нормативлари, улгуржи нархларни ишлаб чиқиш;
етакчи илмий ходим (фан кандидати ёки доктори);
илмий ходим (2) суғориш техникаси ва машиналар деталлари ремонтини ташкил этиш ва ремонт технологияси;
илмий ходимлар (2), **кичик илмий ходимлар** (2) қайта ишлаш саноати учун технология ва ускуналар.

ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ЛАБОРАТОРИЯЛАРГА:

мудир (техника фанлари кандидати), **катта илмий ходимлар** (3), **илмий ходимлар** (3), **кичик илмий ходимлар** (3): мустаҳкамловчи қопламали деталлар, узелларни тиклаш технологияси ва улар ремонтини ташкил этиш;
мудир (техника фанлари кандидати ёки камида 10 йил иш стажига эга бўлган инженер), **катта илмий ходимлар** (3), **илмий ходимлар** (3), **кичик илмий ходимлар** (3), мураккаб бўлмаган қишлоқ хўжалиги машиналари ремонти технологияси ва уни ташкил этиш;
мудир (техника фанлари кандидати ёки камида 10 йил иш стажига эга бўлган инженер), **катта илмий ходимлар** (3), **илмий ходимлар** (3), **кичик илмий ходимлар** (3): машиналарни ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш вақтида полимер материаллар ва гальванополимер қопламаларни қўлланиш.

КОНКУРС МУДДАТИ — 23 СЕНТЯБРГАЧА.
Ходимлар Тошкент, Янгийўл шаҳарларидан хизмат автобусида олиб келинади.
Мурожаат учун адрес: 702832, Тошкент области, Калинин райони, «1-Абжалбой» алоқа бўлими (Тошкентдан қатновчи 181, 187-автобусларнинг «РТС» бекати).

Тошкент область халқ таълими бошқармаси
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ
19-ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**1989—1990 ўқув йили учун
10-синф маълумотидаги 30 ёшгача бўлган йигит ва қизларни
АСАЛАРИЧИЛИК МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА**

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил, ўқиш даври узлуксиз иш стажига киради. Аъло баҳо билан битирган ўқувчиларга техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади ва конкурссиз қабул қилинади.
Ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал иссиқ овқат ва кийим-кечаклар, студентлик билети билан таъминланадилар.
Ишлаб чиқариш практикасига 1990 йил 1 апрелдан юборилади.
Колхоз ёки совхоздан йўлланма билан келганлар ишлаб чиқариш практикасига ҳамда ўқишни тамомлагандан сўнг ишга ўз яшаш жойларига юборилади. Ўқишни тамомлаганларга асаларичи мутахассислиги бўйича диплом берилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳол, туғилганлик ҳақида гувоҳнома (асли) ҳамда паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), характеристика, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), соғлиги ҳақида 086/У формадаги справка, йўлланма.
Билим юрти адреси: Тошкент области, Тошкент райони, Абдураҳмонов номли совхоз, 2-бўлим, 19-СПТУ. Телефон — 56-689.
Транспорт: Калинин майдонидаги «Келес» автостанциясидан 466-автобусга чиқиб, «19-СПТУ» бекатигача келинади.

Тақчилликнинг туғилиши

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Кир ювиш порошоклари, ювиш ва тозалаш воситалари, дезодоранту шампунлар — булар Олмалиқ маиший химия заводи маҳсулотларидир. Яқингинада бу маҳсулотлар билан республикамизнинг хўжалик ва галантерея магазинлари лиқ тўла эди. Тўсатдан уни топишнинг иложи бўлмай қолди.

Нега шундай бўлди! Бу саволга харидорлар жавоб кутишяпти. Шундай гаплар ҳам пайдо бўлдики, гўё завод ёпилганмиш.

Йўқ, аслида ундай эмас. Корхона савдо тармоқларига 30 номдаги турли маҳсулотлардан 80—100 тоннадан жўнатиб турибди. Устига-устак юз берган вазият ҳисобга олиниб, зарур чора-тадбирлар ҳам кўрилди. Уч сменали иш режимига ўтилди.

Бироқ баъзи бир сабабларга кўра заводда маҳсулот тайёрлашда узилишларга йўл қўйилмоқда. Биринчи навбатда тайёрланган маҳсулотлар ўз вақтида олиб кетилмайди.



Суратда: корхонанинг поток линиясида.

В. МИЛЕНЬКИЙ сурати (ЎзТАГ).

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

Эшиколди майдонча

СУЗСАНГ, ҚУВНАСАНГ

Чилонзор республика пойтахтининг аҳоли зич жойлашган йирик массивларидан. Кўпгина кварталларда меҳнаткашларнинг бўш вақтларини оқилона ташкил этиш, мароқли дам олишлари учун қулай шароитлар яратилган. Афсуски, 19- ва 20-кварталларда бўлган киши бошқача манзаранинг шоҳиди бўлади. «Узхладоторгмаш» трестига қарашли ремонт-монтаж бошқармасининг филиали олдидаги чоғроқ майдонча қаровсиз ётибди. Волейбол тўри тортиладиган қўш устун атрофи, ундан наридаги футбол майдончаси умуман жиҳозланмаган. Ўнқир-чўнқир ер, шох-шаббалар қалаштириб ташланган. Болаларнинг севимли жойи — сув ҳовузи эса ахлатхонага айланибди.

Ўн тўққизинчи кварталдаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг ёзги спорт майдончаси ҳам ачинарли аҳволда. Спортнинг бирон бир тури билан шуғулланиш учун ҳеч қандай шарт-шароит яратилмаган. Мазкур квартал марказидаги яна бир майдонча ҳам бўш ётибди. Сув ҳовузи эса бунёд этилгандан бери тўлғазилмаган бўлса керак.

— Бир сидра ўзимиз ҳовузни сув билан тўлғазмоқчи бўлиб, — дейди 101мактаб ўқувчилари Улуғбек Соатов билан Андрей Прихожий, — тозалаб тартибга келтирдик. Лекин сув қуйишнинг иложи бўлмади. Иссиқ кунлар... Қани энди катталар ёрдам берсаю, яйраб чўмилиб, қувнасанг.

Спорт майдончаларини тартибга келтириш, шу атрофда яшаб турганларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун имконият яратиш ҳақида ким қайғуради? Наҳотки, қаровсиз ётган майдончалар ҳақида уй-жойлардан фойдаланиш комитетларининг мутасаддилари бехабар бўлишса?!

Р. АКБАРАЛИЕВ.

СУЗИШ:

МУНОСИБ ҲИССА

АҚШнинг Атланта шаҳрида сузиш бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилди. АҚШ ва СССР терма командаларининг сузувчилари муваффақиятли куч синашиб, мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишди. Мусобақада иштирок этган Европа чемпиони, тошкентлик Сергей Заболотнов 100 ва 200 метргача чалқанча сузишда маррада биринчи бўлиб, командадошлари ютуғига муносиб ҳисса қўшди.

ШАХМАТ:

ОЧКОЛАР ТЕНГЛАШГАНДА

● Швецияда жаҳон кубоги учун олтинчи босқич мусобақаларининг ўн биринчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Ҳозир А. Карпов билан Г. Каспаров 7 тадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Карпов Николични ютиб, Корчной билан дуранг ўйнади. Каспаров эса Нанн ва Эльвест билан учрашувда очколарни баҳам кўрди. Шу тариқа очколар тенглашди.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
Й. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
1989 йил учун қуйидаги ихтисослар бўйича
АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда: тўқимачилик саноати машиналари ва агрегатлари; кимёвий толалар технологияси, тўқимачилик материаллари технологияси (тўқувчилик, йигирувчилик); халқ хўжалиги экономикаси, уни планлаштириш ва бошқаришни ташкил этиш, материалшунослик (фақат ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда).
Ҳужжатлар — 1 октябргача қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: 700100, Тошкент шаҳри, ГСП, Горбунов кўчаси, 5-уй, аспирантура бўлими. Телефон — 53-61-05.

Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи правлениеси ва республика Актёрлар уйи коллективлари Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи правлениесининг аъзоси, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, 1930 йилдан КПСС аъзоси
Раҳим Мажидович ҚОРИЕВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти А. Саидниёзов ҳамда гуманитар факультетлар чет тиллари кафедрасининг катта ўқитувчиси Х. Саидниёзоваларга онаси
Турди ҒАФУРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.